

001528

29221

-сонли шартнома

Тариф қиймати:  
Сув 1 м<sup>3</sup> 100 (+НДС15%+100 сўм) сўм  
Оқава 1 м<sup>3</sup> 350 (+НДС15%+100 сўм) сўм

## II Гуруҳ истеъмолчиларга ичимлик ва оқава суви хизматларини кўрсатиш учун

Тошкент ш.

«19» январ 2022 й.

Ушбу шартнома "Тошкент шаҳар сув таъминоти" МЧЖ, кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилувчи Дийдор Шамор Истеъмолчилар т-с. асосида иш олиб борувчи директор Ҳамидов Анвар Таирманович (Ф.И.Ш., лавозими) иккинчи томондан, қуйилганлар ҳақида тузилди:

### I. Шартнома предмети

1.1. 2022 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ бюджет ташкилотлари ва II гуруҳ истеъмолчилари учун сув етказиш 1568,00 нарх бўйича 115,01 м<sup>3</sup> ни:  
1 м<sup>3</sup> сув учун 400 сўм (+КҚС 15%), + 100 сўм (махсус устама ҳақ)ни ташкил қилмоқда  
1 м<sup>3</sup> оқава сутуқлик учун 350 сўм (+КҚС 15%) + 100 сўм (махсус устама ҳақ)  
Шу тарика шартноманинг умумий қиймати 174480,65 сўмни ташкил қилди. (сумма ёзув билан)  
Шу жумладан, бюджет маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм, бюджетдан ташқари маблағларидан \_\_\_\_\_ сўм бюджетдан ташқари маблағлардан тўлаштири қўзда тутилган.

Бюджет ташкилотлари II гуруҳ истеъмолчилари Қоидаларда белгиланган тарзда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган ҳисобварақ-фактураларга асосан, Молия вазирлиги Газначилиги орқали сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш учун ўтказилган маблағлар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни O'zDSt 950: 2011 «Ичимлик суви, гигиеник талаблар ва сифат назорати» амалдаги стандартга мувофиқ равишда барқарор таъминлайди. Ушбу стандарт назорат Давлат санитария-эпидемиология назорати томонидан амалга оширилиб, сув қувурлари тариф қийматида (КҚС ни ҳисобга олган ҳолда) хўжалик-маиший ва ишлаб чиқариш-технологик эҳтиёжларга йўналтиради.

1.3. «Истеъмолчи» ўрнатилган муддатлар ичида "Таъминотчи"га кўрсатилган сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг қонуқчилиги талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш хизматлари кўрсатиш Қоидалари"га (кейинчалик матнда – Қоидалар деб юритилади), ва Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 1 апрелдаги № 317-сонли қарорига, унга мувофиқ тарифга, 1 м<sup>3</sup> сув учун ва канализация хизматларига ҳам

1 м<sup>3</sup> 100 сўм махсус устама ҳақ жорий этилган ҳамда "Таъминотчи" томонидан тақдим қилинган коммунал сув етказиб бериш ва оқава сув чиқариш тизимига уланиш учун рухсат этувчи ҳужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.5. «Истеъмолчи» ушбу шартномага, унинг тасарруфидаги барча объектларининг (филиал ва суб-истеъмолчиларнинг) дислокациясини, уларнинг сувада эҳтиёжи ва шаҳар сув тизимига уланишдаги эҳтиёжини, етказиб беришнинг миқдори ва диаметрларини кўрсатган ҳолда, кадастр рухсатини тақдим қилади, "Таъминотчи"ни ўз вақтида сув ўтказиш-оқава хўжалигидаги, банк маълумотлари ва юридик манзилдаги ўзгаришлар ҳақида хабардор қилади.

### II. Умумий қоидалар

2.1. Ичимлик суви билан экинларни сугориш, ховлилар, йўлақчаларига ўрнатилган вақтдан ташқари сув сепп, ҳамда, ичимлик сувидан автомашиналарни ювиш учун фойдаланиш катэгия ман этилади.

2.2. Коммунал сув таъминоти тизимларидаги ичимлик суви истеъмолчи (суб-истеъмолчи)ларнинг хўжалик-истеъмол ва коммунал-маиший эҳтиёжлари, ёнгинларни ўчириш, шунингдек, ичимлик суви талаб этиладиган технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун мўлжалланган. "Таъминотчи"нинг техник имкониятлари мавжуд бўлган ҳолатларда, ихтисослашган истеъмолчиларга ичимлик суви марказий коммунал сув таъминоти тизимларидан етказиб берилади.

2.3. Асосий истеъмолчининг тармоқларидан сув олиб, оқава суви тармоқларини "Истеъмолчининг" канализацион тармоқларига ўтувчи суб-истеъмолчилар сув таъминоти ва оқава сувини чиқариш шартномасини "Истеъмолчи" билан тасдиқланган "Қоидаларга" мувофиқ тузадилар.

2.4. Сувини ҳисобга олиш асбоблари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилган ва тамгаланган бўлиши ва сув ўлчаш тармоғи сув-коммунал хўжалиги ташкилоти томонидан тамгаланиши лозим. Шунингдек ичимлик сувини ҳисобга олиш ускунасининг ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги № 698-сонли қарорига мувофиқ юритилади.

2.5. "Истеъмолчи"га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш қурилмасининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) ҳисоб-китоб асосида аниқланади, объектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади ва "Истеъмолчи" билан келишилади. Ҳисоблаш қурилмаси учун ўрнатилган минимал истеъмол миқдоридан кам миқдорда сув истеъмол қилинганда, «Таъминотчи» сув ўлчаш тармоғини қайтадан қурилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганда, ҳисоблаш қурилмасининг кўрсаткичлари қабул қилинмайди ва ҳисоблаш Қоидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.6. Сув ўтказиш-канализация хўжалигининг реконструкцияси, ҳисоблаш қурилмаларини ишга тушириш, ҳисоблаш қурилмаларини алмаштириш, янги суб-истеъмолчиларнинг уланиши "Истеъмолчи" томонидан фақат "Таъминотчи" тарафидан тасдиқланган техник шартлар ва лойиҳа асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар "Истеъмолчининг" сўровномаси асосида, барча тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади. "Таъминотчи"дан олинган техник шартлар асосида, "Истеъмолчи" бунортмасига асосан, амалдаги меъёр, қоидалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади.

2.7. Қурилган уламаларнинг ишга туширилиши "Таъминотчи" томонидан, "Истеъмолчи" ва қурилиш ташкилот вакилларининг иштирокида амалга оширилади.

2.8. Агар сув таъминоти ва сув чиқариш хизматлари учун нархларда ўзгариш вужудга келса, тўлов янги тарифлар асосида амалга оширилади.

2.9. Коммунал сув таъминоти ва сув чиқариш қисмларининг техник ҳолати учун эксплуатацион масъулият чегараси (сув ва оқава тизимлари, қурилмалар ва уларнинг мосламалари) сув-коммунал хўжаликлари ва истеъмолчилар орасида, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари орасида қуйилганлардан иборат:

а) сув истеъмоли учун узатиш тармоғининг киритиш қурилмаси бўлиб, у коммунал тармоқдан ўчирилади. Сув қувурини, шу жумладан узатиш қурилмасини ишга тушириш истеъмолчининг ички сув узатиш тизимининг бир қисмидир;

б) оқава тизими учун магистрал оқава тизимига уланиш нуктасидаги сув чиқариш қудуғи бўлиб, у "Истеъмолчи"нинг ички оқава тизимининг бир қисмидир. Агар чиқариш оқава қудуғи магистрал оқава тармоғида жойлашган бўлса, кўрсатилган қудуқ сув-коммунал хўжалигининг бир қисми бўлади, узатиш тармоғининг эксплуатацияси эса "Истеъмолчи"нинг қучи ва маблағи ҳисобига амалга оширилади.